



“ 26 ” май 2021 й. № 02-06/2647

**Косметика ва терини
парвариш қилиш маҳсулотлари
реализациясини амалга оширувчи
тадбиркорлик субъектлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ўз ваколатлари доирасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширади.

Хусусан, ҳозирги кунда гўзаллик маҳсулотлари бозори кенгайиб бормоқда, шунингдек, интернет ва ижтимоий тармоқларда тери ва соч учун парваришлаш воситалари рекламаси кескин фаоллашганлиги кузатилмоқда.

Ўз навбатида, ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари ўртасида тери ва соч учун парваришлаш воситалари катта қизиқиш уйғотмоқда ҳамда янада машҳур бўлиб бормоқда. Косметика бозорида маҳсулотлар рекламаси муҳим аҳамият касб этади, шунинг учун реклама берувчилар маҳсулотлар хусусиятларини бўрттириб кўрсатган ҳолда реклама қилиш усулидан фойдаланишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Реклама тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига мувофиқ, қонунийлик, аниқлик, ишончлилик, рекламадан фойдаланувчига зарар, шунингдек маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш рекламага доир асосий талаблар ҳисобланади.

Шунингдек, ушбу Қонун билан ноаниқлиги, икки хил маънони англатиши, бўрттириб юбориши, яшириб кетиши натижасида рекламадан фойдаланувчиларни чалғитувчи ёки чалғитиши мумкин бўлган, шахсларга, зарар ва маънавий зарар етказиши мумкин бўлган нотўғри реклама тақиқланади (*юқоридаги Қонуннинг 13-моддаси*).

Ижтимоий тармоқлардаги косметика воситаларидаги маълумотлар истеъмолчиларда тиббий маслаҳатлар зарур эмаслиги тўғрисида тасаввур уйғотиши мумкин бўлган реклама сифатида тақдим қилинмоқда.

Ваҳоланки маҳсулотларининг кимёвий таркиби ёки унинг алоҳида компонентларини қабул қилиш маҳсулотларининг кимёвий таркиби ёки унинг алоҳида компонентларини қабул қилиш ножўя таъсирларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар мавжуд ёки ушбу компонентларга аллергия реакция бўлиши мумкин.

Шунингдек, маҳсулотларнинг алоҳида компонентлари турли хил одамларга турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Инсон соғлиғи билан боғлиқ бўлган маҳсулотларни қўллашдан олдин унинг таркибини чуқур ўрганиш ва шифокор билан маслаҳатлашиш талаб қилинади.

Юқоридагиларга асосан, косметика ва терини парвариш қилиш маҳсулотлари рекламасини амалдаги реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида, рекламадан фойдаланувчиларга зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш ва энг асосийси истеъмолчиларни чалғитадиган ёлғон ёки ноаниқ маълумотларни реклама воситаларида тарқатмаслик сўралади.

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Ҳужжат коди: HJ51154586

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганлиги тўғрисида огоҳлантирамиз.

Директор ўринбосари



А.Қурбонов

*Ижр: А.Ахмедов
Тел: 712074600 (318)*